



## АҲОЛИ БАНДЛИГИ СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ СИЁСТИНИИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

**Исмаилов Азизбек Рузимахамматович -**

Ориентал университети,  
Иқтисодиёт факультети декани

doi:[https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss6/a29](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a29)

**Аннотация.** Мақолада аҳоли бандлигини давлат томонидан тартибга солишнинг устувор ўналишларини ишлаб чиқиши юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари акс эттирилган. Турли иқтисодчи-олимларнинг бу борадаги ёндашувлари, таклиф-мулоҳазалари танқидий нуқтаи назардан ўрганилган. Ўзбекистонда бевосита давлат бандлик хизмати органларида ишловчи эксперталар ўртасида сўровнома ўтказиши орқали республикада аҳоли бандлигини давлат томонидан тартибга солиш борасидаги мавжуд муаммолар аниқланган ҳамда уни такомиллаштириш юзасидан илмий тақлиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Таянч сўзлар:** давлат бандлик сиёсати, фаол бандлик сиёсати, пассив бандлик сиёсати, бандликни тартибга солиш усуслари, бандлик сиёсати самарадорлиги, давлат бандлик хизмати вазифалари, давлат бандлик сиёсати хусусиятлари.

## ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ПОЛИТИКИ В СФЕРЕ ЗАНЯТОСТИ

**Исмаилов Азизбек Рузимахамматович -**

Ориентал университет,  
Декан экономического факультета

**Аннотация.** В статье отражены результаты проведенного исследования по разработке приоритетов регулирования занятости государством. Подходы и предложения различных экономистов-ученых на этот счет изучены с критической точки зрения. Путем проведения опроса среди специалистов, работающих непосредственно в органах государственной службы занятости населения Узбекистана, выявлены существующие проблемы в государственном регулировании занятости населения в республике, разработаны научные предложения и практические рекомендации по его совершенствованию.

**Ключевые слова:** государственная политика занятости, активная политика занятости, пассивная политика занятости, методы регулирования занятости, эффективность политики занятости, обязанности государственной службы занятости, особенности государственной политики занятости.

## MAIN DIRECTIONS OF IMPROVING STATE POLICY IN THE FIELD OF EMPLOYMENT

**Ismailov Azizbek Ruzimaxammatovich -**

Oriental University, Dean of the faculty of economics

**Abstract.** The article reflects the results of the research conducted on the development of the priorities for the regulation of employment by the state. Approaches and suggestions of various economists-scientists in this regard have been studied from a critical point of view. By conducting a survey among the experts working directly in the state employment service bodies in Uzbekistan, the existing problems in the state regulation of population employment in the republic were identified, and scientific proposals and practical recommendations were developed for its improvement.

**Key words:** state employment policy, active employment policy, passive employment policy, methods of employment regulation, effectiveness of employment policy, duties of state employment service, features of state employment policy.

**Кириш.** Мамлакатдаги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий вазиятга муҳим таъсир кўрсатадиган бандлик муаммоси бугунги кунда республика фуқаролари турмушининг узвий қисми бўлиб қолмоқда. Республика Президенти Ш.Мирзиёев аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишга ҳар томонлама кўмаклашиш, ишсизлар, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар, меҳнат бозорига илк бор кириб келаётган битирувчилар бандлигини таъминлаш бўйича янги таъсирчан механизмларни жорий этиш, эҳтиёжманд аҳолини меҳнат фаолиятига жалб қилишда қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, янги иш ўринларини яратган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирларни изчил амалга оширишнинг муҳим аҳамиятини кўрсатиб, "Ўғил-

қизларимизни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган замонавий касб-хунарларга ўргатиш, уларда тадбиркорлик қўнималари ва меҳнатсеварлик фазилатларини шакллантириш ҳамда ташабbusларини рўёбга чиқариш, иш ва уй-жой билан таъминлашга устувор аҳамият қаратамиз" [1], деб таъкидладилар.

Аҳоли бандлиги бутун иқтисодий тизим амал қилиш натижаларининг ижтимоий ва иқтисодий натижаларини ўзида бирлаштирадиган жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг муҳим ўналишларини ўзида мужассамлаштиради. Шу боис, бандлик мамлакат фаронвонлиги, ислоҳотлар танланган йўлининг самарадорлиги, уларнинг аҳоли учун жозибадорлиги ҳақида мулоҳаза қилиш имконини берадиган ўзига хос кўрсаткич ҳисобланади.

Айниқса, инқироз шароитида аҳоли бандлиги давлат тартибга солиши устувор йұналишлари қаторида туради. Бундай вазиятта бандлик сиёсатини бутун жамиятта ижтимоий-иқтисодий барқарорлықнан таъминлашып, мәхнат бозорига бевосита ва билвосита таъсир күрсатып орқали ҳар бир фуқаро бандлиги соҳасыда ижтимоий ҳимояланғанлықнан оширишга қаратылған чора-тадбирлар мажмуси сифатыда үрганиш мүмкін.

#### **Мавзуга оид адабиёттарнинг таҳлили.**

Россия иқтисодчеси А.И.Галкин таъкидлашича давлат бандлик сиёсатининг мазмуну ва аҳамияти ҳақида фикр юритиб, давлат даражасыда бандлик сиёсатининг асосий йұналишлары шаклланади, унинг мақсади белгиланади ва бандлик сиёсатини демографик, молиявий, миграцион, ижтимоий, инвестицион, ташқи иқтисодий сиёсати билан келиштириш асосий вазифалари ҳал қилинади. Ушбу даражада ишга жойлаштириш умумий сиёсати ва ишсизларни қўллаб-қувватлаш чоралари ишлаб чиқилади [2].

Lee & Oh (2015) тадқиқотларига кўра, минтақа даражасыда давлат томонидан ишлаб чиқилған ва белгиланған бандлик сиёсати асосий ва устувор йұналишлари ҳисобга олинади. Шуни таъкидлаш жоизки, ушбу даражада айrim тадбирлар, масалан, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ва фермерликнан ривожлантириш бўйича тадбирлар (аҳоли ўзини ўзи банд қилишига бевосита таъсир кўрсатади) самарали аҳамият касб этади. Бандлик сиёсати манфаатларида минтақа хукумати турар-жой, йўл қурилишига кўмаклашиш борасидаги дастурларни амалга ошириши мүмкин. Шу тариқа, ушбу дастурлар қўшимча зарурый иш ўринларини таъминлаши мүмкин, бу айниқса, инқироз даврида ушбу турдаги ишлар учун хом ашё тайёрлаш, етказиб бериш билан шуғулланадиган минтақадаги бошқа корхоналарни фаоллаштиргани билан аҳамиятлиdir [3].

Маҳаллий даражада аҳоли билан бевосита ишлар олиб борилади ва ишга жойлаштириш, фуқароларни ўқитиш (қайта ўқитиш) соҳасидаги бандлик сиёсати қоидалари амалиётта жорий этилади, ишсизларга нафақа тўлови амалга оширилади. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари аҳоли бандлигига кўмаклашишга қаратылған бир қатор чора-тадбирларни ташкил қилиш ва молиялаштиришда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлиб, улар орасида жамоат ишларни ташкил қилиш, ўсмирларни вақтнинчалик ишга жойлаштириш (ўқишиндан бўша вақтда) ҳамда вакансиялар ярмаркаси,abituriyentlar кунини ўтказиш, биринчи марта иш изловчиларга ишга жойлашишда кўмаклашиш қонунан белгилаб қўйилган.

Berveno, O. & Yurchenko, L. фаол бандлик сиёсатини қуйидагича таърифлаган: давлат то-

монидан ишсизликни унинг табиий (энг кам) даражасига эришиш мақсадида амалга ошириладиган ташкилий, иқтисодий, ҳуқуқий тадбирлар мажмуудир. У ўз ишини очиш бўйича курслар ва семинарлар воситасида тадбиркорлик ташабbusларини рағбатлантириши; касбга йўллаш, қайта ўқитиш, малака оширишни; имконияти чекланган шахслар учун махсус иш ўринларини ташкил этишини ўз ичига олади. “Илгарилаб ўйнаш”га интилиш, инқирознинг юз бершига йўл қўймасликка уриниш бандлик сиёсати ушбу турининг хусусияти ҳисобланади [4].

Шу сабабли фаол сиёсатга яна ишловчиларнинг оммавий ишдан бўшатилиши олдини олиш, иқтисодиёт ва мәхнат бозори эҳтиёжларига мувофиқ самарасиз иш ўринларини қайта йұналтириш ва бошқалар бўйича кўплаб тадбирлар ҳам киради. Фаол бандлик сиёсати давлатга кўпроқ фойдали, чунки унинг асосида ётадиган чоралар унга қўйилған маблағларнинг қопланиши ва қайтарувчанлигини кўзда тутади.

Baglioni, Simone & Sinclair, Stephen тадқиқотларига кўра, пассив бандлик сиёсати, биринчи навбатда, ишсизлик оқибатларини камайтиришга қаратылған давлат тадбирлари мажмунини ўзида мужассамлаштиради. Бунга ишсиз сиғатида тан олинган фуқароларни ишсизлик нафақаси қўринишида моддий қўллаб-қувватлаш ҳамда иш ўринларини сақлаш киради. Боқимандаларга ҳақ тўлаш амал қиласди. Ушбу бандлик сиёсатининг хусусияти шундан иборатки, у мутлақо ишсизларга ёрдам билан чекланади. Баъзан камайиб борувчи пассив бандлик сиёсати ҳам ажратилади. У ҳам ишсизларга моддий ёрдамни кўзда тутади. Бироқ ишини ўқотганлар учун иш ўринларини излаш ва танлаш бўйича кенг ва турли-туман хизматлар доирасини тақдим этади [5].

Л.В. Щубцова бандликни тартибга солишида қуйидаги дастурлар амал қилиши мүмкинлигини таъкидлайди: масалан, саноатни ривожлантириш соҳасидаги ижтимоий дастурлар (улар бир вақтнинг ўзида ҳам иқтисодий ўсишни, ҳам бандлик ортишини таъминлаши мүмкин); қўшимча касбий ўқитиш ва қайта тайёрлашга барча муҳтожларга қулайликларни таъминлашга қаратылған дастурлар; кичик тадбиркорликнинг ривожланишига кўмаклашиш бўйича махсус дастурлар (якка хусусий ва оилавий корхоналар) [6].

Losheniuik таъкидлашича, кўрсатылған воситачиларнинг биринчи турига яна рекрутинг агентлиги киради. Ўз фирмаларида вакансияларни тўлдиришнинг узоқ муддатли ва жорий жараёнларидан манфаатдор, аниқ иш берувчилар буюртмаси асосида ишлайдиган нодавлат ташкилотлари шундай муассаса ҳисобланадилар. Рекрутинг агентликлари мавжуд ва шаклланаётган вакансиялар бўйича маълумотлар

базасини юритадилар, ташкил этилган ва прогноз қилинаётган вакансиялар, иш ўринларини изловчиларни мақсадгага йўналтирилган тайёрлаш билан шуғулланадилар [7].

Blaug қайд этишича, охирги вақтда электрон рекрутинг, деб номланган амалиёт кенг тарқалди. Электрон рекрутинг ходимларни танлаш ва излаш кесимида Интернет имкониятларига таянади. Электрон рекрутинг вакансиялар мавжудлиги тўғрисида иш ўринларидан манфаатдор номзодларни тезроқ хабардор қилишни таъминлайди. Электрон рекрутинг асосий инструментал агентлик веб сайти сифатида чиқади[8]. ДБХ бандлик сиёсатини давлат иқтисодий сиёсати билан боғлаш, бу режаларни меҳнат бозори воқелиги ва бошқа манфаатдор томонлар манфаатлари билан келиштириш учун ахоли бандлигига кўмаклашиш бўйича фаолиятини режалаштириш жараённига жалб этилади. Стратегик ва тезкор режалаштириш асосида маълум мақсадлар кўрсатилади, улар ишни самарали

ташкил қилиш тадбирларига киритилган бўлиши керак. Шу нутубат назардан Т.Фан, Э.Хансен, Д.Прейслар ДБХнинг ишлаш самарадорлиги кўрсаткичларини қуидаги тоифаларга ажратадилар [9] (1-жадвал).

Junaid, Sana ва бошқаларнинг фикрига кўра, ахоли бандлигини тартибга солиш ва “бозор бузилишлари” билан курашда давлат аралашуви амалиёти меҳнат бозоридаги сиёсат воситаларини ахоли бандлигига кўмаклашиш фаол сиёсати тадбирларидан фойдаланишни кенгайтириш томонига ўзгартириш заруратини намойиш этади. Бироқ меҳнат бозорини тартибга солиш ва бошқа, мунтазам ўзгариб борувчи шароитларга тааллукли механизмларни ишлаб чиқиши ва такомиллаштиришга бўлган эҳтиёж сақланиб қолмоқда. Ахоли бандлигини бошқаришда мажмуавий таъсир кўрсата оладиган таъсирчан дастурий-мақсадли усулга алоҳида эътибор қаратиш лозим [10].

#### 1-жадвал

#### Давлат бандлик хизмати ва унинг иш самарадорлиги кўрсаткичлари

Фаолият тури	Натижаси
Меҳнат бозоридаги мақсади	Ишга жойлаштириш
Мақсадли гуруҳлар бўйича вазифаларни тақсимлаш	Аниқ мақсадли гуруҳга, масалан, узоқ муддатли ишсизларга тақдим қилинган хизматлар саломғи
Меҳнатни ташкил қилиш	Вакансияларни тўлдиришга сарфланган вақт; дастурдан тўла ҳажмда ўтаётган шахслар сони
Мижозлар томонидан баҳоланиши	Кўрсатилган хизматлардан қониқиши даражаси

**Манба:** адабиётларни ўрганиши асосида муаллиф томонидан тузилди.

Бу муаллифлар ўз тадқиқотларида ахоли бандлигига кўмаклашиш жараёнининг институционаллашиш даражасини баҳолаш учун янги турдаги хизматлар ҳажми, раҳбар ходимлар ва ишловчилар олдидағи замонавий вазифалар, иш стилининг ўзгариши, самарадорлик ва иш сифатини оширишга доимий интилиш асосий мезон бўлиши керак, яъни ДБХ муваффақиятли фаолиятининг пировард мезони амалдаги ресурслар ва реал натижалар нисбатидан иборат бўлиши зарур эканлигини таъкидлайдилар.

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқотнинг услубий асосини диалектиканинг асосий қоидалари ва тамоийлари ташкил этди. Иш билан бандликни тартибга солиш жараёнларини ўрганишда ишлашга муҳтоҷ аҳолини миқдорий ўрганиш, яъни ишлашга муҳтоҷ аҳоли ҳақидаги маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш услубига таянилди. Маълумотлардан хуносча чиқаришда мантиқий таҳлил, синтез, умумлаштириш, индукция ва дедукция, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга тизимли ёндашув усулларидан фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Давлат бандлик сиёсати давлат томонидан барча даражаларда

олиб бориладиган ижтимоий сиёсатнинг узвий қисми ҳисобланади. Бандликка кўмаклашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари 1-расмда келтирилган.

Ўзбекистон Республикасида давлат бандлик сиёсати инвестицион, молия-кредит, солиқ ва ижтимоий сиёсат чоралари ёрдамида амалга оширилади. Ушбу тадбирлар, биринчи навбатда, мамлакатда иш ўринларини сақлаб қолиш ва ривожлантиришга ёрдам берадиган ишлаб чиқарувчи кучларни оқилона жойлаштиришга, меҳнат ресурслари ҳаракатчанлигини ошириш, эгилувчан меҳнат тартиботларини рағбатлантиришга, янги технологияларни яратишга йўналтирилган[6]. Бандлик сиёсатида асосий вазифалар қаторига қуидагиларни киритиш мумкин:

- 1) Иш ўринлари ташкил этилишини рағбатлантириш ва ахоли бандлигига кўмаклашиш, шу жумладан, иш ўринларини ташкил этишга доир давлат буюртмасини ҳамда иш қидираётган шахсларни ва ишсиз шахсларни касбга тайёрлашга, қайта тайёрлашга ҳамда уларнинг малякасини оширишга доир давлат буюртмасини шакллантириш орқали кўмаклашиш;

### Аҳоли бандлигига кўмаклашиш давлат сиёсати йўналишлари

Ўз.Р. нинг барча фуқароларига ихтиёрий меҳнат ва бандликни эркин ташлаш хукукини рўёбга чиқаришда тенг шароитларни таъминлаш

Муносиб турмуш ва инсоннинг эркин ривожланишини таъминловчи шарт-шароитлар яратиш

Қонунийлик доирасида амалга оширилаётган фуқаролар меҳнат ва тадбиркорлик ташабbusларини кўллаб-куватлаш, уларнинг унумли, ижодий меҳнат лаёкатларини ривожлантиришга кўмаклашиш

Иш излашда қўйинчилкларни бошдан кечираётган фуқаролар бандлигига кўмаклашувчи чора-тадбирларни амалга ошириш

Оммавий ва узок (бир йилдан ортик) муддатли ишсизликнинг олдини олиш ва қисқартириш

Аҳоли бандлиги муаммоларини, Ўзбекистон Республикаси ва унинг худудларидан ташкарида фуқаролар ва хорижий фуқароларнинг мамлакат худудидаги меҳнат фаолияти билан боғлиқ масалаларни ҳал килишда халқаро ҳамкорлик, халқаро меҳнат меъёрларига амал қилиниши

Меҳнат бозори катнашчилари саъий-ҳаракатларини бирлаштириш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда улар ҳаракатларининг келишувчанлиги

Ишловчилар ва иш берувчиларнинг давлат идоралари, касаба уюшмалари, бошқа хукумат органларининг аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги фаолиятларини мувофиқлаштириш

### **1-расм. Аҳоли бандлигига кўмаклашиш давлат сиёсати йўналишлари тавсифи**

**Манба:** муаллиф тадқиқотлари асосида тузилди.

2) Ишсиз шахсларни моддий жиҳатдан кўллаб-куватлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш, ишсизликни камайтириш чораларини кўриш, аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини ишга жойлаштиришга кўмаклашиш;

3) Ёшларни, айниқса, қишлоқ жойлардаги ёшларни, умумий ўрта ва ўрта маҳсус таълим ташкилотлари, касб-хунар мактаблари, касб-хунар коллежлари, техникумлар, олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштиришни таъминлаш бўйича чораларни амалга ошириш;

4) Аҳоли бандлиги соҳасида замонавий касбий стандартларни жорий этиш, меҳнатни нормалаштириш ҳамда меҳнаттага ҳақ тўлаш механизмларини такомиллаштириш;

5) Аҳоли бандлиги соҳасида аёллар ва эркаклар учун тенг хукуқлар ҳамда имкониятларни таъминлаш;

6) Ишга жойлаштириш жараёнларига илғор аҳборот технологияларини жорий этиш, аҳолининг ишга жойлашишига кўмаклашиш бўйича хизматлар бозорида замонавий инфратузилмани ва рақобат мұхитини яратиш;

7) Ўзбекистон Республикаси фуқаролари га Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ишга жойлашишида кўмаклашиш, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида вақтингчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш даврида уларнинг хукуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинини таъминлаш.

Ўзбекистон Республикасида меҳнат бозори ва бандлик сиёсатининг мақсадга йўналтирилганлигини кучайтириш тақозо этилади. Бу ички, демографик, иқтисодий, тармоқ омиллари билан белгиланиб, глобал ижтимоий-иқтисодий

трансформациялар оқибатлари билан боғлиқ ташқи таъсирлар остида чуқурлашмоқда.

Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида Ўзбекистон Республикаси аҳоли бандлигини тартибга солиш давлат сиёсатини такомиллаштириш ва ривожлантириш мақсадида экспер特 сўровномалар шаклида социологик тадқиқот ўтказилди. Эксперт сифатида 7 кишидан иборат Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ташқи меҳнат миграцияси Агентлиги ходимлари сўровдан ўтказилди.

Сўровномада қатнашган 7 та экспертдан олтиласи Ўзбекистон Республикасининг меҳнат бозори қуйидаги хусусиятларга эга эканлигини эътироф этдилар: 1990 йиллардан бошлаб, республика меҳнат бозоридаги талаб ва таклиф ўртасидаги номутаносиблиқ тенденциясининг аста-секин пасайиши кузатилди; дотацияли минтақалар хусусияти қисқарыб бормоқда; кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратилган; иш ҳақи ҳажми минтақавий хусусиятига эгалиги қайд этилди.

Барча эксперталар томонидан Ўзбекистон Республикаси меҳнат бозоридаги вазиятни мақбуллаштириш учун таъсирчан чоралар қабул қилинганлиги таъкидланди.


“Республикада бандлик сиёсатини амалга оширишда қандай қўйинчилкларга дуч келинмоқда?” деган саволга жавобда эксперталар қуйидаги вариантларни кўрсатдилар: мавжуд вакансиялар ҳақидаги маълумотлар интернетда жойлаштирилган; бюджет тармоқларида, жумладан, тибибиёт ва таълимда иш ҳақининг паст-

лиги; ишсиз аҳоли учун фақат қариндошлиқ алоқалари мавжуд бўлгандағина ишга жойлашиш имконияти бўлади; юқори талаб қилинадиган тармоқларда иш жойлари етарлича яратилмайди.

Республикада бандлик сиёсатини тако-миллаштиришнинг устувор йўналишлари сифатида сўровномада қатнашган эксперталар қўшимча ахборот-маслаҳат хизматларини ташкил қилиш, минтақаларнинг ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олиб, янги иш ўринларини яратишни, жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, балиқ заводлари, пахтани қайта ишлаш корхоналари, таълим хизматлари бозори ислоҳотларини жадаллаштиришни таклиф қилдилар.

Республикада амалга оширилаётган аҳоли бандлигини қўллаб-кувватлашга қаратилган чора-тадбирлар, айниқса, коронавирус пандемияси даврида фаол ва пассив сиёсатлар доирасида минтақалардаги ижтимоий-меҳнат муносабатларини мақбуллаштириш, меҳнат бозоридағи кескинликни юмшатишга қаратилди: янги яратилаётган иш жойига субсидия олиш имконияти яратилди; ишсизлик нафақаси ҳажми оширилди; иш ўринлари вакансиялари ярмаркалари мунтазам равишида ўтказилмоқда; жамоат ишлари ташкил қилинмоқда; ишсизлар касбий тайёргарликдан ўтишга, малака ошириш кабиларга юборилмоқда.

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар тажрибаси кўрсатишича, давлат томонидан меҳнат бозорини тартибга солиш ва ўзини ўзи тартибга солиш механизмларини ўйғунлаштириш аҳоли бандлигини тартибга солишнинг самарали усули бўлиб қолди. Бандликни тартибга солишнинг асосий йўналишлари 2-расмда тўлиқ келтирилган.



**2-расм. Аҳоли бандлигини тартибга солиш йўналишлари**

**Манба:** муаллиф тадқиқотлари асосида тузилди.

Ривожланган бозор иқтисодиёти мамлакатлари тажрибаси кўрсатишича, аҳоли бандлигини тартибга солиш тизимида қуйидаги усуллар ажратилади:

-фойда орқали таъсир кўрсатувчи ва хўжалик субъектларининг иқтисодий манфаатларини рағбатлантирувчи иқтисодий усуллар бўлиб, бу ерда механизмлар орасида энг самаралиси си-

фатида солиқка тортиш, имтиёзли кредитлаш, иш ўринларини яратиш ва сақлаб қолишга, кадрларни касбга ўқитиш, инновацион тармоқларни қўллаб-кувватлашга қаратилган тариф сиёсати ҳамда бюджет сиёсати воситалари ажратилади;

- ташкилий усуллар, улар орасида асосий роль давлат ва нодавлат аҳоли бандлиги марказ-

ларини яратиш, тадбиркорлар ва ёлланма ишчилар, меҳнат соҳасида маслаҳат, хуқуқий хизматлар марказлари, касбий таълим тизимида марказ ўқувчи ўшларини касбга йўллаш тизими учун меҳнат бозорини ахборотлар билан таъминлаш [7]:

-меҳнат хуқуқидан, иш куни давомийлиги, фуқаро меҳнат ҳаёти даврини ўрнатиш, ишловчилар хуқуқларини ҳимоялашдан бошлаб, меҳнат муносабатларининг аниқ тор соҳаларидаги тартиблар, меъёрлар, стандартлар, чекловлар, услубий тавсиялар (бу ишловчиларни ишга ёллаш тизимига, меҳнат шартномаларини тузиш, мигрантларга квоталарни белгилаш, уларнинг меҳнат ва ҳаёт фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш, аҳоли бандлигини қўллаб-куватлаш фондига мажбурий ажратмалар, ижтимоий кафолатлар меъёрлари ва б.га тегишли) билан якунлаган ҳолда давлатдаги меҳнат муносабатларини тартибга солувчи меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар тизими олрқали таъсир кўрсатадиган маъмурий усуслар.

**Хуласа ва таклифлар.** Шундай қилиб, аҳоли бандлигини бюджет молиялаши маблағларининг етишмаслиги ҳамда меҳнат бозоридаги вазиятнинг кескинлашиши шароитида давлат томонидан меҳнат бозорини тартибга солиш механизмларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишдан яширин резервлар ва кўшимча ресурсларни излаш лозим.

Бандлик сиёсатини асослашда мамлакат иқтисодиётининг иқтисодий ўсиш йўлига чиқиб олиши манфаатлари нуқтаи назаридан ёндошиш лозим. Ушбу шароитда бандликни бошқариш ва меҳнат бозорини тартибга солиш механизмларини ўзгартириш тақозо этилади. Шу сабабли агар кейинчалик бандлик сиёсати ва оммавий ишсизликни тўхтатиб қўйиш давлатнинг диққат марказига қўйилса, у ҳолда бандлик ва меҳнат бозори соҳасида стагнацияни кутиш мумкин. Демак, давлатнинг бандлик соҳасидаги сиёсати самарали бўлиши учун у аниқ обьектга қаратилган ва мувофиқлаштирилган бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси меҳнат бозорида қуйидаги муаммоли вазиятлар юзага келмоқда, хусусан иқтисодий фаол аҳоли сонининг юқори даражаси, меҳнат бозорида икки томонлама монополия (давлат ва иш берувчи) хукмрон, ишчи қучининг паст ҳаракатчанлиги, меҳнат бозори тузилиши унсурлари, ишчи қучининг алмаштирилиши ва ўртача аҳоли жон бошига тўғри келадиган истеъмолнинг ишчи қучи қийматига мувофиқлаштирилмаганлиги, меҳнат бозори инфратузилмасининг ривожланиши паст даражадалиги, давлатда ижтимоий суғуртага маблағларнинг етишмовчилиги, иш ўринларини тугатишнинг юқори қиймати, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими эгилувчан-

лигининг ортиб бориши, кичик тадбиркорлик соҳасининг ривожланиб бораётганлиги кабиларни мисол қилиш мумкин.

Меҳнат бозорининг оталарча (боқимандалиқ) кайфиятдаги субъектлари (иш берувчилар, ёлланма ишчилар) юқори салмоғи, тўлиқсиз бандликнинг мавжудлиги, меҳнат унумдорлигининг паст даражасига қарамасдан ижтимоий-меҳнат муносабатлари соҳасида вужудга келган қадриятларнинг ўзига хос унумли тизими шаклланиб бораётганлигини қайд этиш жоиз. Лавозим мақоми ва моддий аҳволидан қониқувчанлик кучаймоқда, қатъий технологик ва меҳнат интизомига эга бўлган хусусий, тақрор ишлаб чиқарилган меҳнат обрўйи ортмоқда, хизмат, касбий ва малакавий ўсиш ижтимоий рафбатларининг аҳамияти ҳади етарли даражада бўлмасада, ошмоқда.

Иқтисодиётнинг меъёрида амал қилиши ва ижтимоий барқарорликни сақлаш учун қуйидаги тартибга солиш обьектларини мувофиқлаштириш лозим:

Биринчидан, иш берувчилар ва ёлланма ишчилар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар; иш берувчилар ва ишловчилар ўртасидаги меҳнат муносабатлари, жумладан, ишчилар меҳнатига ҳақ тўлаш ва муҳофаза қилиш, ёллаш ва ишдан бўшатиш; аҳоли бандлиги, шу жумладан, ишчи кучи ва иш ўринлари таклифини тартибга солиш; ишсизларни ижтимоий қўллаб-куватлаш; ишчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш; ишчи кучини тақсимлаш ва қайта тақсимлаш.

Иккинчидан, меҳнат бозорини давлат томонидан бевосита тартибга солиш чораларига ёлланма ишчилар ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солиш; аҳоли бандлигини қўллаб-куватлаш ва кўшимча иш ўринларини яратишга давлат имтиёзлари ва субсидияларини тақдим қилиш; банд бўлмаган аҳолини ишга жойлаштиришга кўмаклашиш тизимининг амал қилишини таъминлаш; бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасини шакллантириш ва фойдаланиш кабилар киради.

Учинчинчидан, билвосита таъсир кўрсатиш давлат тадбирлари қаторига қуйидагилар киради: биринчидан, меҳнат бозорини сифатли ишчи кучи билан таъминлаш чоралари мажмую; ишчи кучи демографик асосини кенгайтириш учун зарур шарт-шароит яратиш; аҳоли умумтаълим даражаси ва ёлланма меҳнат шахсларининг малакавий тайёргарлигини ошириш тадбирлари киради; иккинчидан, ёлланма ишчилар юқори меҳнат лаёқатини қўллаб-куватлаш билан боғлиқ тадбирлар реал иш ҳақини меъёрида яшаш учун зарур ҳаётий неъматлар қийматига мувофиқлаштириш; иш ва дам олиш вақти оқилона нисбатини таъминлаш; ёлланма меҳнат

шахсларига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш; учинчидан, монополияларнинг иқтисодий хукмронлигини чеклаш ва ишчи кучи учун иш

берувчилар рақобатини кучайтиришни кўзда тулади.

### **Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги "Олий Мажлисга Мурожаатномаси">// [www.president.uz](http://www.president.uz).
2. Галкин А.И. Основные направления повышения эффективности и результативности деятельности органов государственной власти в Российской Федерации./ Актуальные проблемы и перспективы развития государственного управления: сб.науч. статей по материалам ежегодной науч.-прак. Конф. От 23 ноября 2013 г. /под ред. С.Е.Прокофьева, О.В.Паниной, С.Г.Еремина. – М.: Юстицинформ, 2014.
3. Lee, Young-Min & Oh, Ji-Hyun. (2015). Policy Implications for Reforming Public Employment Center: How Can Service Performance Be Improved?. International Journal of u- and e- Service, Science and Technology. 8. 173-184. 10.14257/ijunesst.2015.8.9.19.
4. Berveno, O. & Yurchenko, L.. (2020). The Main Directions of the Employment Promotion Policy in the Conditions of Economy Digitalization. THE PROBLEMS OF ECONOMY. 4. 351-356. 10.32983/2222-0712-2020-4-351-356.
5. Baglioni, Simone & Sinclair, Stephen. (2018). Social innovation and employment. 10.1332/policypress/9781447320104.003.0005.
6. Шубцова Л.В. Государственное антикризисное управление: системный подход.//Национальные интересы: приоритеты и безопасность. 2011. №5. С.11-19.
7. Loshenik, Oksana. (2017). Improving the tools of the state migration policy in Ukraine. world of finance. 147-156. 10.35774/sf2017.03.147.
8. Blaug, M. & Office, Geneva. (2022). Employment and unemployment in Ethiopia - Report of the Exploratory Employment Policy Mission. XF2006171644.
9. Фан Т., Хансен Э., Прейс Д. Государственная служба занятости в условиях меняющегося рынка труда. Женева: Международное бюро труда, 2001. 228с. с.103.
10. Junaid, Sana & Mutschler, Christina & McShane, Kelly. (2022). The Impact of COVID-19 on Clubhouse Employment Programs. Community Mental Health Journal. 1-8. 10.1007/s10597-022-01036-3.
11. Пудич В. Проблема системности менеджмента в России. //Менеджмент сегодня. 2003. №2. С.43-55.
12. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 20 октябрдаги ЎРҚ-642-сонли "Аҳоли бандлиги тўғрисида"ги қонунининг 2-боби, 6-моддаси.
13. Буторин А.М.Направления совершенствования регулирования занятости населения в регионе//Вестник экономической интеграции. 2010.№5. - С.137-141.



### **O'ZBEKISTONDA MIGRATSİYA JARAYONLARINING HUDUDIY XUSUSIYATLARI**

**Bahriiddinova Muazzam Azam qizi -  
TDIU huzuridagi "O'zbekiston iqtisodiyotini  
rivojlantirishning ilmiy asoslari va muammolari"  
ilmiy-tadqiqot markazi doktoranti**

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada O'zbekistondagi migrantsiya jarayonlari va ularning hududlarda rivojlanishining asosiy sabablari yoritilgan. Shuningdek, globallashuv sharoitida dunyo miyoyosida tinchlik, xavfsizlik va barqarorlikni ta'minlash muhim ahamiyat kash etishi haqida ham so'z borgan. Ayniqsa, har qanday mamlakat xavfsizligi va barqorligini ta'minlashda, eng avvalo, ichki va tashqi tahdidlarga qarshi mafkuraviy immunitetni mustahkamlash masalalari borasida jiddiy izlanishlar talab qilinadi. Bu esa mamlakatda yoshlarning vatanparvarlik fazilatini tarbiyalashda, ma'naviy-ma'rifiy ishlarni yanada takomillashtirish orqali xavfsizlikni ta'minlashda istiqboldagi maqsadlarga erishuvga zamin yaratadi.

**Kalit so'zlar:** migrantsiya, xalqaro migrantsiya, ekologik omil, rasmiy migrantsiya, norasmiy migrantsiya, mehnat resurslari, mehnat bozori, emmigrant, immigrant, mehnat migranti.

### **РЕГИОНАЛЬНАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА МИГРАЦИОННЫХ ПРОЦЕССОВ В УЗБЕКИСТАНЕ**

**Бахриддинова Муаззам Азам кизи -  
«Экономика Узбекистана Научные основы и проблемы  
развития» аспирант исследовательского центра**

**Аннотация.** В данной статье описаны миграционные процессы в Узбекистане и основные причины их развития в регионах. Также было сказано, что в условиях глобализации важно обеспечить мир, безопасность и стабильность в глобальном масштабе. В частности, для обеспечения безопасности и стабильности любой страны в первую очередь требуются серьезные исследования по вопросам укрепления идеологического иммунитета от внутренних и внешних угроз. Это создает основу для достижения перспективных целей в воспитании патриотических качеств молодежи страны, а также в обеспечении безопасности за счет дальнейшего совершенствования духовно-воспитательной работы.

**Ключевые слова:** миграция, международная миграция, экологический фактор, формальная миграция, неформальная миграция, трудовые ресурсы, рынок труда, эмигрант, иммигрант, трудовой мигрант.